

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ» КАФЕДРАСИ

**БАКАЛАВРИАТ 5610100-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ
ЙЎНАЛИШИ**

4.35 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

Ахмедова Дилсўз Рахмоновнанинг

**Б И Т И Р У В
М А Л А К А В И Й И Ш И**

**МАВЗУ: аграр тармоқни барқарор ривожлантириш
шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини
ошириш йўллари**

Илмий раҳбар:

«Фермер хўжалигини бошқариш»
кафедраси, катта ўқитувчи

Г.К. Наринбоева

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси мудири, доцент

_____ Р.Х.Пулатова

2014 йил “_____” _____

“Фермер хўжалигини бошқариш”
факультети декани, доцент

_____ А. Шокиров

2014 йил «_____» _____

ТОШКЕНТ – 2014

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛЬТЕТИ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
 Кафедра мудири
 доцент Пулатова Р.Х.
 201__ йил «__» _____

Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши

4 курс 35-гуруҳ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба :Ахмедова.Д.

1.Битирув малакавий ишининг мавзуси: Аграр тармоқни барқарор ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари.

Кафедранинг 17.12.2013 йилдаги 7 мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишининг топшириш муддати: 20.05. 2014 йил

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т. «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004 Саматов Ғ.А , Ёдгоров Ж.Ё, Рустамова И.Б. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Т. Тош.ДАУ,2005.

4.Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалаларнинг) рўйхати:Аграр тармоқни барқарор ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари аниқланган.

5.Жадвал ва чизма ишларининг рўйхати: 7 та жадвал, 9 тарасм.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

Т. Р.	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
	Кириш	Наринбоева.Г.К	20.12.2013 й.	15.01.2014 й.
	I-Боб	Наринбоева.Г.К	15.01.2014 й.	25.02.2014 й.
	II –Боб	Наринбоева.Г.К	25.02.2014 й.	01.04.2014 й.
	III –Боб	Наринбоева.Г.К	01.04.2014 й.	01.05.2014 й.
	Хулоса ва таклифлар	Наринбоева.Г.К	01.05.2014 й.	20.05.2014 й.

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси:

Т. Р.	Битирув малакавий ишини бажариш босқичлари	Бажариш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	20.12.2013 й. 15.01.2014 й.	Бажарилди
2	I-боб.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.	15.01.2014 й. 25.02.2014 й.	Бажарилди
3	II-боб.Аграр тармоқни барқарор ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлиги .	25.02.2014 й. 01.04.2014 й.	Бажарилди
4	III-боб.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари.	01.04.2014 й. 01.05.2014 й.	Бажарилди
5	Хулоса ва таклифлар	01.05.2014 й. 20.05.2014 й.	Бажарилди

Битирув малакавий ишининг раҳбари:

Г.К.Наринбоева

“Топшириқни бажаришга олдим”

Д.Ахмедова.

Топшириқ берилган сана: 201__ йил «_____» _____

МУНДАРИЖА

Аграр тармоқни барқарор ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари.

Кириш.

Адабиётлар шарҳи.

I-боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.

I.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини шаклланиши.

I.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини рақобатбардошлигининг баҳо омиллари ва сифат омилларининг назарий асослари.

II-боб. Аграр тармоқни барқарор ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлиги .

2.1. Аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳолатининг таҳлили

2.2. Фермер хўжалигида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш.

2.3. Маҳсулот рақобатбардошлигини сифат ва нарх омилларини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири.

III-боб Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари.

3.1. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида рақобатбардошлигини оширишда янги технологияларни қўллаш. .

3.2. Фермер хўжалигида ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Илмий раҳбар: Наринбоева.Г.

4-35. Ахмедова Д.

Кириш

Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрияти бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бевосита қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришда янги технологияларни тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги иш жараёнига инвестицияларни жалб этиш орқали чет эл технологияларини, инновацияларни жалб этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф етишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига камраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир

йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундай корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида катъий чоралар кўрилди. Энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, қўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини қисқартириш ва бошқа рағбатлантириш чоралари кўрилди.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб келинаётгани иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри ва ҳаётий асосга эга эканини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ўзбекистонда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фаолият кўрсатаётган фирма ва корхоналарни ташқи иқтисодий муносабатларга жалб этиш, яъни экспортбоп маҳсулотларнинг ташқи бозорга мустақил равишда чиқишларини таъминлашда жаҳон амалиёти тажрибаларининг янги шакл ва услубларини қўллашни йўлга қуйиш, иқтисодий манфаатдорликка эътибор қаратиш маркетинг фаолиятининг асосий мақсадларидан бири бўлиши талаб этилади.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз

олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.¹

Юритимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар ислохотлар стратегиясининг муваффақиятини, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалий ифодасидир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуrolлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ЯИМ умумий ҳажмининг барқарор ўсишига олиб келди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши Ватанимиз иқтисодий салоҳиятининг ортишига, йирик ижтимоий дастурларни амалга оширишга имконият яратмоқда.

Юритимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида ҳам ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан, инфляция суръатининг иқтисодчи мутахассислар томонидан “мўътадил” деб баҳоланадиган даражада бўлиши, далаат бюджетининг профицит билан ижро этилиши, миллий валюта алмашинув курсининг нисбий барқарорлиги таъминланиши, тўлов балансининг барқарорлиги бу фикрга далил бўлади.

Макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши мамлакатимизда бизнес шунинг йўлга қўйиш, аҳоли даромадларини ўстириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорлик биз учун қуруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир”².

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

²Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995., 217- б.

таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг барча йўналишларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларига жалб қилинаётган (хусусан хорижий инвестициялар) ҳажмини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун омил бўлади.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Бу маърузада 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Бу маърузада 2012 йил якунлари ҳамда 2013 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси. Бу маърузада 2011 йил якунлари ҳамда 2012 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Каримов И. А. “Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009.) Бу китобда инқирозни бартараф этиш учун халқ хўжалигининг барча сохалари сингари қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта эканлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётга асосий валюта олиб келадиган сохалардан бири эканлиги алоҳида айtilган ва бу сохада мавжуд муаммоларни бартараф этиб уни янада ривожлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

И.А.Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” (2005) номли асари. Бу асарда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, уларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинган. Қишлоқ

хўжалигида фермерларни ривожлантиришда уларни диверсификациялаш, яъни фермер хўжаликларида турли соҳаларни ривожлантириш, барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш масалалари устида тўхталган.

Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбаеваларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”(2012) дарслигида, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини башорат қилиш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик, чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, шу билан бирга агрофирмаларни ташкилий иқтисодий асослари ва уларни бошқариш масалалари ёритилган.

Ғ.А. Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Рустамоваларнинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш”(2005) дарслигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни жумладан асаричиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик таъминлари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

Ф.Жўраев. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (2004) дарслиги. Дарсликда иқтисодий эркинлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий – амалий асослари, деҳқончилик ва чорвачиликни ташкил этиш, меҳнат мотивацияси, моддий – техника таъминоти, ресурслардан оқилона фойдаланиш, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари, фермер хўжаликлари ва инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда ўзаро ташкил этиш, иқтисодий самарадорлик тамойиллари ва механизмлари ўз ифодасини топган.

I-боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва унга таъсир

этувчи омиллар

1.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини

шаклланиши

Мамлакатимиз иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ташқи савдо, хусусан, экспорт ҳажмининг ошиши ва унинг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берганида ўз аксини топди. Экспорт таркибида қўшилган қиймат улуши катта бўлган тайёр маҳсулотлар салмоғи ўсиб бормоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ташқи бозорда мамлакатимиз корхоналари экспорт қиладиган асосий маҳсулотларга талаб камайганига қарамадан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимиз экспорт ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2011 йилда “Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши

60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийиб 46 фоизни ташкил этган эди”.³

Мамлақатамиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш вазифаси 2012 йилда ҳам экспорт ҳажмини ўстириш ва диверсификация қилиш бўйича ишларни давом эттиришни талаб этади. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амлга ошириш бунга замин яратади

Республикамизда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади (1.1.1-расм).

1.1.1-расм Республикамизда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш

Тўқимачилик ва энгил саноат тизимида эса, пахта толасини қайта ишлаш

³ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

ҳажми кескин ортиб, пировард маҳсулотни экспорт қилиш доираси кенгаймоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик тизимидаги мавжуд салоҳиятларни жадал амалиётга тадбиқ этилаётганидан далолат беради. Бунда тадбиркорлик субъектларидан бири бўлган фермер хўжаликларининг хиссаси бекиёсдир.

Республикада мева, сабзавот, полиз, узум етиштирадиган тармоқларни ривожлантириш, жаҳон бозорида мева, сабзавот, полиз, узум маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, бўйича тармоқни сифат жиҳатидан янгилашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.

1.1.2.-расм. Мамлактнинг рақобат жиҳатдан усунлигини ташкил этувчи унсурлар М.Портернинг рақобат устунликлари ромби).

3. Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам

таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги тушунчаси билан бир қаторда мамлакатнинг рақобатдошлиги атамаси ҳам қўлланмоқда.

IMD (Лозаннадаги Менежментни ривожлантиш институти) томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатдошлилиги миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Менежментни ривожлантириш институти берган ушбу таъриф кенг қамровли бўлиб, унда давлатнинг рақобатдошликни таъминлашдаги роли катталиги ва фаол бўлиши зарурлиги ўз аксини топган. Чунки сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислох этиш рақобатдош бизнес юзага

келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”.⁴

Республикамизда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (1.2.2-расм).

⁴ Ўзбекистон:жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФАИқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 6-б.

1.1.3-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар.

Инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуrollантириш дастурларини муваффақият билан амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Янгидан барпо қилинган ва модернизация қилинган корхоналарда рақобатдош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш борасида қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда бу борадаги чора-тадбирлар кўламини узлуксиз тарзда кенгайтириш зарур эканини қайд этишииз зарур.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда

намоён бўлади. Булар:

- ❖ мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги;

- ❖ мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;

- ❖ мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;

- ❖ миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;

- ❖ мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатдошликнинг охирги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатдошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;

- 2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати⁵.

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади:

- ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати);

- ташқи рақобат;

- талаб;

- тармоқлараро алоқалар.

⁵ Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006, 14-б.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги –ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

-

1.1.4 -расм. Маҳсулот рақобатбардошлигининг шаклланиши.

-Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг рақобатбардошлигининг шаклланишига:

-меҳнат воситаларининг сифати;

- меҳнатнинг сифати ва сарфи;
- меҳнат предметининг сифати;
- яратилган ялпи маҳсулот сифати;
- ишлаб чиқаришда ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш даражаси;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги;
- иновацион такрор ишлаб чиқариш;
- маркетинг татқиқотлари таъсир қилади.

Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш эвазига қишлоқ хўжалигида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эришилади ва илғор технологияга асосланган тармоқлар ва йўналишларда инновация фаоллиги натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг рақобатбардошлиги ортиб боради истеъмолчпларни танлаш имконияти шаклланади.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилганшарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

1.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини рақобатбардошлигининг баҳо омиллари ва сифат омилларининг назарий асослари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг рақобатбардошлиги омиллари рақобатбардошликнинг баҳо омиллари ва рақобатбардошликнинг сифат омиллари бўйича таҳлил қилинди. Рақобатбардошликнинг баҳо омиллари таркибига:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таннархи;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртача бозор баҳоси даражаси;
- бозор хажми ва маҳсулот таклифи мутаносиблиги
- қишлоқ хўжалиги корхонасининг рақобатбардошлиги
- талабнинг сотиб олиш қобилияти даражаси
- рақобатчилар ўртасидаги рақобат кучи
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш
- маҳсулотни истеъмолчиларини топа билиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интенсивлиги;
- истеъмолчилар даромадлари даражаси.

Рақобатбардошликнинг сифат омиллари таркибига:

-маҳсулотнинг ташқи товар кўриниши(ўлчами, катта кичиклиги, ранги, чиройи);

- маҳсулотнинг кимёвий таркиби;
- маҳсулотнинг санитар ҳолати;
- технологик жараён ва ускуналарнинг янгиланиши;
- янги маҳсулот яратиш ва маҳсулот таркибини яхшилашдаги янгиликлар;
- бошқарув тизимининг илмий даражаси;
- маҳсулотнинг кадоқланиши ва ўраш материаллари сифати;

-маҳсулотнинг экологик тозаллиги ва бошқа сифат омиллар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозордаги рақобатбардошлиги омиллари (1.2.1.-расм)

Экспортга маҳсулот чиқарувчи корхона ўзини инновацион оқимга йўналтириши лозим. Ушбу йўналиш бўйича қишлоқ хўжалигида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Пахта ва буғдойни ишлаб чиқариш техноло-гияси янгиланди, уларни қайта ишловчи корхоналар янги ускуна билан таъминланяпти.

-Хом ашё етиштирувчиларнинг индустриал-инновацияда иштирок этиши маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишига имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қайта ишлаш экспорти умумий ҳажмининг 85—90 фоизини пахта толаси ташкил этади.

1.2.1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бозордаги рақобатбардошлиги омиллари.

-Тошкент шаҳар бозорларида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бозорларга Хитой, Эрон, Туркиядан мева-узумлар олиб келинмоқда, Келтирилган меваларнинг сифати юқори. Хитой ва эрон мамлакатлари олма ва нокининг солиштира баҳоси ўзимизда етиштирилаётган шундай маҳсулотлар нархларига нисбатан 1,5—2 баробар юқори.

Хом ашё етиштирувчиларнинг индустриал-инновацияда иштирок этиши маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишига имкон беради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қайта ишлаш экспорти умумий ҳажмининг 85—90 фоизини пахта толаси ташкил этади.

Тошкент шаҳар бозорларида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бозорларга Хитой, Эрон, Туркиядан мева-узумлар олиб келинмоқда, Келтирилган меваларнинг сифати юқори. Хитой ва эрон мамлакатлари олма ва нокининг солиштира баҳоси ўзимизда етиштирилаётган шундай маҳсулотлар нархларига нисбатан 1,5—2 баробар юқори.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, бозор инновацияси бўйича, юқорида кўрилатган чоралардан ташқари, йиғштирилган маҳсулотдан самарали фойдаланиш, қайта ишлаш саноатини кенгайтириш, ҳар хил истеъмол товарларини ишлаб чиқишни кенгайтиришни талаб этади.. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқиш самарадорлигини оширади, шунингдек ички бозордаги сингари ташқи бозорда ҳам рақобатбардошлигини маълум даражада кўтаради.

Маҳсулот рақобатбардошлигини — унинг юқори сифатини таъминлайдиган яна бир йўл сертификатлаш ҳисобланади. У глобаллашув жараёнида халқаро илмий ва савдо алоқаларида самарали восита бўлиб, бу жараёнда ўзаро ншончни мустаҳкамлайди.

II-боб. Аграр тармоқни барқарор ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлиги

2.1. Аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳолатининг таҳлили

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқхўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16,8 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. *(2.1.1-расм)*

Расмда Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари келтирилган. Ўтган 1991-2013 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди.



2.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроектисодий кўрсаткичлари, (фоизда).

Хусусан, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръати кўрсаткичлари 1991 йилда 98,9фоизни, 1995 йилда 102,2 фоизни, 2000 йилда 103,1 фоизни, 2005 йилда 105,4 фоизни, 2010 йилда 106,8 фоиз ташкил этган бўлса, 2013 йилда 106,8фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 1991 йилдаги 37,3 фоиздан 1995 йилда 28,1 фоизга, 2000 йилда 30,1фоизга, 2005 йилга 26,5 фоизга, 2010 йилда 18,0 фоизга 2013 йилда 16,8фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникава илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер-сув ресурсларининг аҳамияти бекиёс. Чунки улар ёрдамида мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг тўртдан уч қисми, халқимиз истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг 95 фоизи етиштирилмоқда. Шундай экан, улардан келажакда янада тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланади. Уни ҳал этиш мақсадида

республика ҳукумати томонидан сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ер, сув, мулк тўғрисидаги қонунлар, кодекслар қабул қилинди. Уларда республикада ерларга, сувларга эгалик қилиш, улардан мақсадга мувофиқ ҳамда самарали фойдаланиш борасидаги муносабатлар тизими ва уларни амалга ошириш тартиби кўрсатилган. Ер-сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида «Ер сув...умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»¹ деб алоҳида таъкидланган.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди

Бунинг самараси ўлароқ, 1990-2013 йилларда дон етиштириш 4,1 баробарга яқин, картошка 6.7 баробар, сабзавот 2,9 баробардан ортиқ, мева 3,4 баробар, узум 1,7 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Қуйидаги 2.1.1-жадвалда қишлоқ хўжалик экинлари майдони ўзгариш динамикаси келтирилган. Жадвал маълумотларига кўра 1991 йилда донли экинлар майдони 1079,9 минг гектарни 2013 йилда 1627,5 минг гектарни ташкил этган бўлиб, 547,6 минг гектарга ошган, сабзавот экинлари 1991 йилда 165,6 минг гектарни 2013 йилда 183,7 минг гектарни яъни 18,1 минг гектарга, картошка эса 1991 йилда 40,0 минг гектарни 2013 йилда 76,0 минг гектарни яъни 26,0 минг гектарга ошган. Жами қишлоқ хўжалик экинлари майдони 1991 йилда 4200,0 минг гектарни 2013 йили эса 3627,0 минг гектарни ташкил этган бўлиб, 573,3 минг гектарга пасайганлигини кўришимиз мумкин. Аммо йилдан-йилга экин майдонларини пасайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмига таъсир этмаган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми асосан қишлоқ хўжалигини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992.

интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

2.1.1-жадвал

**Қишлоқ хўжалик экинлари майдони ўзгариш динамикаси
(минг гектар)**

№	Кўрсаткичлар	1991 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2013 йил	Ўзгариш и (+,-)
1	Жами экин майдони	4200,3	4165	3778,3	3647,5	3708,4	3627,0	-573,3
2	Шу жумладан:							
2	Дон	1079,9	1656,5	1614	1616,1	1679,4	1627,5	+547,6
3	Картошка	40,0	45,9	52,2	49,8	70,7	76,0	+26,0
4	Сабзавот	165,6	149,6	129,9	137,7	173,0	183,7	+18,1
5	Полиз экинлари	83,2	42,7	36,9	33,9	47,9	53,7	-29,5
6	Пахта	1720,5	1492,8	1444,5	1472,3	1342,5	1308,2	-412,3

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосиди тайёрланди

2.1.2-жадвалда Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш динамикаси келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ялпи ҳосили муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган.

2.1.2-жадвал

**Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш динамикаси
(минг тонна)**

	Кўрсаткичлар	1990 йил	1995 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Дон	1899	3215	3929	7140	7515	7800
2	Пахта	5058	3934	3002	3500	3460	3360
3	Сабзавот	2843	2725	2645	6994	7767	8400
4	Картошка	336	440	731	1871	2056	2250
5	Полиз маҳс.	1000	472	451	1295	1418	1558
6	Мевалар	660	602	791	1871	2053	2260
7	Узум	745	621	624	1090	1205	1322

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосиди тайёрланди

Хусусан, 2013 йилда 1990 йилга нисбатан дон 1899 минг тоннадан 7800 минг тоннага ёки 410 фоизга, сабзавот 2843 минг тоннадан 8400 минг тоннага ёки 295 фоизга, картошка 336 минг тоннадан 2250 минг тоннага ёки 669 фоизга, полиз маҳсулотлари 1000 тоннадан 1558 минг тоннага ёки 156 фоизга, мевалар 660 минг тоннадан 2260 минг тоннага ёки 342 фоизга, узум 745 минг тоннадан 1322 минг тоннага ёки 177 фоизга ошган.

Шуни алоҳида яна таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ муайян натижаларга эришилмоқда. 2000-2013 йилларда пахта, дон ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштиришда инновацион технологияларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларини кенг қўллаш экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим

аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси 2.1.2-расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган.

Хусусан, 2013 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 26,4 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,6 центнерга ёки 220,8фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80центнердан 201,4 центнерга ёки 251,8фоизга, сабзавотҳосилдорлиги 192,0 центнердан 268,4 центнерга ёки 139.8 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 199,9 центнерга ёки 173,8фоизга ошган.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

2.1.2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2013 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 283225 кг сабзавот (162,3 фоиз), , 7560,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 52 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиштирилди.

2.1.3-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

Маҳсулотлар тури	1991 йил	2013 йил	2013 йил 1991 йилга нисбатан, фоиз да
Мева	24,0	67,5	281,2
Узум	24,0	40,0	166,7
Сабзавот	138,6	259,0	186,9
Картошка	15,1	68,5	453,6
Полиз	39,0	47,3	121,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикамізда асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини истеъмол қилиш микдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2013 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 43 килограмм ёки 138,7фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 259 килограммга ёки 141,5 фоизга, тухум 97 донадан 168 донага ёки 173,1 фоизга ошган.

2.2.Фермер хўжалигида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нг рақобатбардошлигини баҳолаш

Маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолаш ва уни оширишда бевосита маҳсулотнинг сифати ва нархи билан бир қаторда унинг истеъмол қийматини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот истеъмол қийматини таъминлаш устуворлигини ошириш маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда рақобатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда маҳсулотнинг рақобатбардошлигининг асоси ҳисобланган истеъмол қийматлари маҳсулотнинг

турли табиий хусусиятларининг, шунингдек маҳсулот то-монидан такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш жараёнида эришиладган хусусиятларнинг йиғиндиси билан шартланган.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ишлаб чиқарувчи томонидан бошқариш нафақат маҳсулотга у ёки бу истеъмол хусусиятларининг берилишини, шунингдек, у ёки бу нарх стратегиясидан фойдаланишни, балки истеъмол бозорининг маркетинг соҳасида қабул қилинган қарорни амалга ошириш кўзда тутилаётган сегменти даромадларини ҳам ҳисобга олишни англатади

Маҳсулот ва унинг истеъмол қийматига маркетинг нуқтаи назаридан нафақат маҳсулотнинг турли табиий хусусиятларининг ва маҳсулот томонидан уни ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш жараёнида қўлга киритиладиган хусусиятларнинг йиғиндисини, иш жараёнида эришиладган хусусиятларни ҳам киритиш лозим (2.2.1-расм).

**2.2.1- расм. Рақобатбардошлик тизимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотнинг
рақобатбардошлигини баҳолаш**

Мамлакат аграр сектори пахта , ғалла, эртапишар ва кечпишар мева ҳамда

сабзавот, полиз, ёнғоқ, писта-бодом, чорвачилик маҳсулотларидан сут, гўшт, тухум, жун, тери каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришда катта салоҳиятга эга. Улар бўйича таклифлар ички талабдан юқори бўлиб, экспорт ҳажмини ошириш учун қулай имконият яратади.

Мамлакатэкспорт дастури доирасида экспорт таркибини диверсификациялаш ва экспорт бозорлари географиясини кенгайтириш бўйича кўрилган ташкилий ва амалий чоралар натижасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналари бўйича 5611,9 минг доллар миқдорида маҳсулот ва хизматлар экспортга чиқарилиб, йиллик прогноз 171,3 фоизга ошириббажарилди.

Жаҳон бозорида пахтанинг рақобатбардошлигини баҳолашда пахтанинг, аввало, ранги, толасининг узунлиги,узилиши , оғирлиги (гр.), ифлосланганлик даражаси ҳисобга олинади. Пахта толаси ана шу белгиларга кўра, 7 та навга бўлинади. 11 баллга эга бўлган тола яхши, 41 баллга эга бўлган тола ўртача, 71 баллга эга бўлган тола ёмон ҳисобланади.Маҳсулот рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омиллардан бири бўлган пахтанинг нархи ҳам шунга боғлиқ. Пахта толаси ўртачадан юқори баҳоланиб, 11 баллга эга бўлса тола қимматроқ, 51, 61 ва 71 баллга эга тола, аксинча ўртача қийматдан паст туради. Ҳар бир той тола «Спинлаб» фирмасининг асбоби ёрдамида 7 та белги бўйича текширилади.Республикада етиштирилаётган пахта хом ашёсидан олинаётган пахта толаси жаҳон бозорида ўз ўрнига эга ва талаб кундан кунга ортиб бормоқда .Республикада етиштирилаётган “ Бухоро - 6”пахта нави жаҳон бозорида эталон сифатида қабул қилинган ..

Республикада қорақўлчилик асосий тармоқ бўлиб, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Қорақўлчилик тизимида 6 млн. бошдан ортиқ кўй боқилади ва ҳар йили олтинга тенг 2,1 млн. қорақўл тери етиштирилади.Ҳозирги вақтда жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакатда қорақўл кўйлар боқилмоқда.Ўзбекистонда етиштириладиган қорақўл териси энг юқори сифатли бўлиб, улар «Бухороқорақўли» фирма белгиси билан белгиланади.

Бугунги кунда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида томат пастасининг улуши салмоқли бўлсада, уни янада ошириш имкони мавжуд.

Бу эса, экспортга йўналтирилган томат пастаси рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди. Шу муносабат билан маҳсулотларнинг ҳам ички, ҳам жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижалардан келиб чиққан ҳолда “Аграр тармоқни барқарор ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари” мавзусида битирув малакавий ишни бажаришда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик..

Рақобатбардошлик ўзида маҳсулот сифатининг умумий кўрсаткичларини ва унинг нархининг ўзаро боғлиқлигини намоён этади. Маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда рақобатбардошлик кўрсаткичларининг қиймати ташқи ва ички омиллар таъсирига боғлиқ. Ташқи омиллар маҳсулот нархига, ички омиллар эса маҳсулот сифатига таъсир кўрсатади

Томат пастаси рақобатбардошлигини таъминлашда маҳсулотнинг нисбатан паст нархи ва юқори сифатини таъминлаган ҳолда барча ресурслардан самарали фойдаланишни уйғунлаштириш асосида эришилади. Шунингдек, томат пастаси рақобатбардошлигини таъминлашда бир қатор ташқи ва ички омиллар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ташқи омилларга:

- институционал ўзгаришлар, яъни, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий, ташқи бозорлар конъюнктураси ва ундаги рақобат муҳити;
- ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари;
- маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг шаклланиши;
- маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларида харажатларнинг шаклланиши кабилар киради.

Ички омиллар эса нарх, сифат, кафолатли сервис хизматлари кўрсатиш ва бошқалардан иборат.

Томат пастаси истеъмол қиймати унинг миқдори ва сифати билан шартланадиган мураккаб функция ҳисобланади. ГОСТ 28-12-81 да таъкидланишича, маҳсулотнинг истеъмол қийматининг бу "Маҳсулотнинг

истеъмол хусусиятлари йиғиндиси ва миқдори билан аниқланадиган ва эҳтиёжни қондиришда унинг йўналиши ва белгиланган истеъмол ёки эксплуатация қилиш шартларига мувофиқ истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг фойдалилиги"дир. Маҳсулотнинг сифати, ГОСТ 15467-79 га мувофиқ, ўзида "маҳсулотнинг унинг йўналишига мувофиқ маълум эҳтиёжларни қондиришга яроқлилигини белгилаб берувчи унинг ху-сусиятларининг йиғиндисидир".

Ўзбекистонда томат пастаси хом ашёси сифатига қўйиладиган асосий талаблар ГОСТ 3343-89 билан белгиланган бўлиб, унга кўра қайта ишлаш учун келтириладиган помидор таркибида куруқ эрийдиган моддалар 28-32 фоизни, нитратлар миқдори кўпи билан 50-60 млгр.ни, титр кислота кўпи билан 10 фоизни, хлорид улуши бутун маҳсулот массасининг кўпи билан 1,5 фоизини ташкил қилиши лозим.

Бундан ташқари, хом ашё' ресурслари таркибида оғир металлар миқдorigа ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1кг. хом-ашё таркибида уларнинг миқдори: қалайи - 200 мг; кўрғошин — 1 мг; кадмий -0,05 мг; симоб — 0,02 мг; мис - 5 мг; рух — 10 мг.дан ошмаслиги керак. Юқорида санаб ўтилган омиллар ишлаб чиқарилган томат пастаси сифатини белгилаб беради

Юқорида баён этилганлардан келиб чикиб, маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда маҳсулотнинг истеъмол қиймати — бу маҳсулотнинг мазмуни, моҳияти, маҳсулотнинг қиймати эса —бу маҳсулотнинг шаклидир.

Шунингдек, томат пастаси ва унинг истеъмол қиймати тушунчасига маркетинг нуқтаи назаридан нафақат маҳсулотнинг турли табиий хусусиятларининг ва маҳсулот томонидан уни ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш жараёнида қўлга киритиладиган хусусиятларнинг йиғиндисини, балки биринчи галда сотиш ва ис-теъмол қилиш жараёнида эришиладган хусусиятларни ҳам киритиш лозим

Шу нуқтаи назардан, томат пастаси рақобатбардошлигининг асоси ҳисобланган истеъмол қийматлари маҳсулотнинг турли табиий хусусиятларининг, шунингдек маҳсулот томонидан такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида,яъни ишлаб чиқариш, тақсим-лаш сотиш ва истеъмол қилиш

жараёнида эришиладган хусусиятларнинг йигиндиси билан шартланган.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ишлаб чиқарувчи томонидан бошқариш нафақат маҳсулотга у ёки бу истеъмол хусусиятларининг берилишини, шунингдек, у ёки бу нарх стратегиясидан фойдаланишни, балки истеъмол бозорининг маркетинг соҳасида қабул қилинган қарорни амалга ошириш кўзда тутилаётган сегменти даромадларини ҳам ҳисобга олишни англатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик ўзида маҳсулот сифатининг умумий кўрсаткичларини ва унинг нархининг ўзаро боғлиқлигини намоён этади. Маҳсулот рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг қиймати ташқи ва ички омиллар таъсирига боғлиқ. Ташқи омиллар маҳсулот нархига, ички омиллар эса маҳсулот сифатига таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, томат пастаси рақобатбардошлигини баҳолаш ва уни оширишда бевосита маҳсулотнинг сифати ва нархи билан бир қаторда унинг истеъмол қийматини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, томат пастаси ишлаб чиқаришда маҳсулот истеъмол қийматини таъминлаш устуворлигини ошириш томат пастаси хомашёсини етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда рақобатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича изланишлар олиб бориш натижасида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш:

-экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилишни ;

-кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришни;

-янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритишни ;

-экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалалари билан жиддий шуғулланишни талаб этади.

2.3 Маҳсулот рақобатбардошлигини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири

Жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш миллий иқтисодиётнинг ривожланишига, чет эл валюталарининг кириб келишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмининг кўпайишига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўтарилишига, тармоқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштирган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш ва қайта ишлашда кўмак беришни ташкил этиш мақсадида фермерларнинг агрофирма каби ихтиёрий уюшмалари ташкил қилинди. Агрофирмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш имкониятларини кенгайтирган ҳолда хорижий давлатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларининг кўпайишига ҳисса қўшишмоқда. Ўзбекистон аграр тармоқда рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга Ҳамдўстлик давлатлари озиқ-овқат бозорларига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда, яъни рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида ўз кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими асослаш, турли характерда иқтисодий самарани ўлчаш

ҳамда турли характердаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги билан ҳам фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади.

Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини:

- бош вазифа истеъмол қиймат яратиш нуқтаи назардан;

- товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуқтаи назаридан;

- соф маҳсулот(ялпи даромад) - такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони – истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун;

- фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуқтаи назаридан характерланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом-ашёсининг сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Харажатлар концепциясининг самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади.

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади.

Рентабеллик даражаси- фойдани материал ва меҳнат харажатлари (маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ) қийматлари нисбатининг фоиздаги даражасини кўрсатади. Рентабеллик меъёри маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф даромадни унинг таннархига бўлиш йўли билан фоизлар ҳисобида аниқланади. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот рақобатбардошлигини ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири қуйидаги 2.1.1 - жадвалда келтирилган. Таҳлиллар “Байтқўрғон Мухиддинов Абдужаббор ” фермер хўжалиги ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилди.

2.1.1-жадвал.

“Байтқўрғон Мухиддинов Абдужаббор ” фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлик даражасининг фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар таъсирида ўзгариши.

Кўрсаткичлар	Ўлчов	2011йил	2012 йил	2013 йил
--------------	-------	---------	----------	----------

	бирлиги			
Фермер хўжалигининг жами ер майдони.	га	13,9	13,9	38,2
А) экинзорлар	га	11,9 2	11,92	31,9
Б) боғ	га			6,3
А) буғдой	га	11,9	10,9	29
Б) сабзавот	га	-	1	1,9
В) маккажўхори	га	-	-	1
Г) мева	га	2	2	6,3
Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	11342	12630	36342
Сотилган маҳсулот қиймати	минг сўм	9416	11737	32106
Жами харажатлар	минг сўм	8239	8094,7	21300
Фойда	минг сўм	1177	3643	10806
Рентабеллик даражаси.	%	14	45	50

Манба: Фермер хўжалиги маълумоти асосида.

“Байтқўрғон Мухиддинов Абдужаббор” фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлик даражасининг фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига ўзгариб боришининг натижаларига кўра рентабеллик даражаси 2011 йилда 14 фоиз , 2012 йилда 45 фоиз бўлиб, 2013 йилга нисбатан 31 фоизга ошган , 2013 йилда рентабеллик даражаси 50 фоизга тенг бўлиб, 2011 йилга нисбатан 36 фоизга ошган. Фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг бударажада кескин кўтарилишига сабаб “Байтқўрғон Мухиддинов Абдужаббор” фермер хўжалигида етиштирилган сабзавот ва мевалар ички бозорларда ва Ҳамдўстлик давлатлари озиқ-овқат бозорларига экспорт қилинмоқда . Фермер хўжалигида етиштирилган ме ва сабзавот маҳсулотлари ўзларининг рақобатбардошлиги билан ички ва ташқи бозорларда ўз мавқеларига эга бўлиб келмоқдалар. “Байтқўрғон Мухиддинов Абдужаббор” фермер хўжалигида етиштирилган мева ва сабзавотлар ички бозорларда ва Ҳамдўстлик давлатлари озиқ-овқат бозорларида рақобатбардош бўлиши ва фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлик даражасининг кўтарилишига сабаб:

- фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотларнинг сифат жиҳатдан устунлиги;

- фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотларнинг таннархининг пастлиги ;

- фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг яхши ташкил этилганлиги;

- фермер хўжалигида мева ва сабзавотларни етиштиришда агротехник тадбирларни вақтида олиб борилиши ;

- фермер хўжалигида ишлаб фаолият олиб бораётган рахбар ходимларнинг сидқидилдан меҳнат қилиши;

Фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотларни етиштиришда фан ютуқларидан, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланилиши деган хулосаларга келдик.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида рақобатбардошлигини оширишда янги технологияларни қўллаш

Фермер хўжалигида таҳлиллар кўрсатишича, “Гумимакс-двойная сила” препаратини пахтачиликда қўллаш ҳисобига биринчи навга мансуб хом ашё солмоғи юқори бўлиб, ўртача 85-90 фоизни ташкил эмокда. Бу фермер хўжаликларида қўшимча даромад олиш имконини яратади.

Фермер хўжалигида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ушбу препарат ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этади. Дарҳақиқат, кузатишлардан ғўза поясининг узунлиги назорат майдонидан 54,3 см.ни ташкил этган бўлса, Гумимакс препарати қўлланилган далаларда бундан 3,3-8,3 см.га баланд бўлган.

Шунингдек, назорат майдонидаги ғўзанинг ҳосил шохчалари, ғунча, шона ва кўсаклари сони бошқа далалардаги ғўзаларникига нисбатан анча камлиги қайд этилди. Жумладан, 1 август ҳолатида назоратдаги майдонда битта ғўзадаги кўсаklar сони 5,5 дона ташкил этган бўлса, Гумимакс препарати 0,3 л/га меъёра

қўлланилган далада 6,5 донани, 1 сентябрь ҳолатига эса, назорат даласида 6,6 донани, Гумимакс препарати 0,3 л/га меъёрида қўлланилган далада 8,0 донани ташкил этган.

Таъкидлаш жоизки, энг кўп ёки назорат майдонидаги 16,2 фоиз кўп очилган кўсақлар сони Гумимакс ўғити 0,3 л/га меъёрида қўлланилган ғўза майдонларида кузатилган.

Гумимакс препарати 0,3 л.га меъёрида қўлланилган майдонларда ғўзанинг ҳар бир кўсагидаги пахта хом ашёси оғирлиги ўртача 5,98 граммни ташкил этган. Бу назорат майдонларидаги ғўза кўсаги оғирлигидан 0,27 грамм ёки 4,7 фоизга кўп.

Тажрибалардан Гумимакс препаратини қўллаш меъёри камайиб борган сари бир кўсақдаги пахта хом ашёси оғирлиги ҳам мутаносиб равишда камайиб бориши аниқланган. Ҳисоб-китоблар кўрсатадики, Гумимакс препарати қўлланилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги назорат майдонларига нисбатан ўртача 2,2-4,2 ц/га юқори бўлган.

Гумимакс препарати 0,3 л/га меъёрида ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даври бошланишида қўлланилганда, ҳосилдорлик энг юқори – 39,4 ц/га бўлган. Шунингдек, 1000 дона чигит вазни 3-10 г.толанинг нисбий узилиш кучи 0,5-1,0 гк/тексга ортгани аниқланган.

Тажрибалардан аниқланишича, Гумимакс препаратининг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, уни қўллаш 1 гектар пахта майдонидан қўшимча равишда ўртача 3,68 ц/га ҳосил олишни таъминланган.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, ушбу препаратни қўллаш натижасида бир гектар пахта майдонида 165,6 минг сўмлик маҳсулот олинган. Гумимакс препаратини қўлланилган бир гектар пахта майдони ҳисобидаги олинган фойда тажриба ўтказилган бешта худуд бўйича ўртача 136,76 минг сўмни ташкил этди.

Таҳлил натижалари асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар “Гумимакс-двойная сила” препаратини қўллаш пахта ҳосилдорлигини оширишини, пахта хом ашёси таркибида биринчи нав салмоғи ортишини, ўртача сотиш баҳолаш ҳамда рентабеллик даражаси юқори бўлишини кўрсатмоқда.

Тажриба натижалари ва иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда қўйидаги хулосага келиш мумкин: пахтачиликда “Гумимакс-двойная сила” препаратини қўллаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, уни 1 гектар экин майдонида қўллаш ҳисобига олинган фойда ўртача 136, 76 минг сўмни ташкил этиши, рентабеллик даражаси ўртача 6,7 фоиз бандга ошиши мумкин.

3.1.1-жадвал .

Фермер хўжалигида пахтачиликда бир литр “Гумимакс-двойная сила” препаратини қўллаш қўйидаги фойда келтириши мумкин

1 литр “Гумимакс-двойная сила” препаратининг нархи 50,0 сўм		
2. Бир гектар ғўза майдонига 0,56 литр препарат сарфланади.		
шу жумладан:		
-уруғликка ишлов беришда	0,06 л/га	- 3,0 минг сўм
-ғўзанинг шоналаш даврида	0,2 л/га	– 10,0 минг сўм
-ғўзанинг гуллаш даври бошланишида	0,3 л/га	- 15,0 минг сўм
Жами харажат		- 28,0 минг сўм
Препаратни ташиш харажатлари билан бирга		- 28,84 минг сўм
3. Бир гектарга “Гумимакс-двойная сила” препаратини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги:		
-препаратнинг қўллаш натижасида олинган қўшимча ҳосил ўрта-	3,68 ц/га	
-препаратни қўллаш натижасида олинган фойда, тўғри келади:		
а) 1 гектар экин майдони ҳисобига -136,76минг сўм		

б) 1 литр препарат ҳисобига	-244,21 минг сўм
-----------------------------	-------------------------


Манба: Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

3.1.2-жадвал

Гумимакс стимулятор иннинг пахта ҳосилдорлигига таъсири

Тажриба вариант лари	Кўсак вазни , г	Пахта ҳосили , ц/га	Қўшимча си	
			ц/га	%
Назорат	5,0	27,7	-	-
Суспензия карбамид 5+7 кг/га	5,0	28,3	0,6	102,2
Гумимакс 0,8 л/т	5,3	31,2	3,5	112,6
Гумимакс 0,8 л/т, 0,3 +0,3 л/га	5,4	32,3	4,6	116,6
Гумимакс 1,0 л/т	5,3	31,6	3,9	114,1
Гумимакс 1,0 л/т, 0,3 +0,3 л/га	5,3	32,4	4,7	117,0

**Унум стимуляторининг чигит
мойдорлигига таъсири , %**



Расм 3.1.1

Манба: Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

3.1.3-жадвал .

Гумимакс билан ғўзага ишлов беришнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Иқтисодий кўрсаткичлар	Назорат	Суспензия билан ишлов бериш	Гумимакс билан ишлов бериш	Гумимакс+ суспензия
Маҳсулот етиштириш учун қилинган жами харажатлар, минг сўм/га	1695,3	1737,4	1745,6	1760,7
Қўшимча сарфланган маблағ, минг сўм/га	-	42,129	50,372	65,420
Олинган пахта ҳосили, ц/га	45,2	46,7	50,2	47,5
Маҳсулотни сотишдан тушган маблағ, минг сўм/га	2779,8	2895,4	3112,4	2945,0
Шартли соф фойда миқдори, минг сўм/га	1084,5	1158,0	1366,8	1184,3
Шартли соф фойданинг ортиши, минг сўм/га	-	73,5	282,3	99,8
1 ц пахта таннархи, минг сўм	37,506	37,203	34,774	37,067
1 ц пахта етиштириш учун иқтисод қилинган маблағ, сўм	-	302,5	2732,2	438,8

Манба: Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

Таҳлил натижалари асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар “Гумимакс-двойная сила” препаратини қўллаш пахта ҳосилдорлигини оширишини, пахта хом ашёси таркибида биринчи нав салмоғи ортишини, ўртача сотиш баҳолаш ҳамда рентабеллик даражаси юқори бўлишини кўрсатмоқда.

3.2. Аграр тармоқ рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

Аграр ислохотлар ўтказиш жараёнида тармоқлараро маркетинг механизмининг сифат бошқаруви интеграцияси жараёнлари билан боғлиқ равишда юзага келадиган озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий сертификатлашнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш

зарур. Ер муносабатларининг ривожланиши ва ер ресурслари сифатини ошириш зарурияти билан боғлиқ равишда, озиқ-овқат занжирларида методик ва методологик низомларни ишлаб чиқиш асосида агротизимларнинг якуний ва оралиқ маҳсулот турларини сертификатлашга мувофиқ талабларни, тармоқлараро озиқ-овқат уюшмаларини бошқаришнинг рақобатбардош, кам-харажат тизимини ташкил этишни кўзда тутувчи мажмуавий сертификатлашни ривожлантиришга кескин эҳтиёж юзага келди.

Агротизимлар иқтисодиётини ислоҳ қилиш шароитларида мазкур уюшмалар таргетинг фаолияти асосида, тармоқлараро сифат мувофиқлиги ва тармоқлараро маркетинг, амалий-иқтисодий таҳлил ва сертификатлар, телеаукционлар ва электрон маркетинг асосида ривожланиши керак. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий эркинлиги, уларнинг аграр ислохотлар шароитларида бозор муносабатларига ўтишларидаги илк қадамлари, афсуски, агросаноат ишлаб чиқаришининг, корхона-шериклар ўртасидаги ташкилий-хўжалик алоқаларнинг бузилишига олиб келди.

Агротизимларда ривожланувчи агросаноат интеграцияси ва ишлаб чиқариш кооперациясини эътиборга олмаслик оқибатида, хўжалик механизми харажатлари янада ошиб кетади. Агросаноат мажмуаси таркибида кичик ва ўрта тадбиркорлик, саноат-тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланиши, иқтисодий ислохотнинг мазкур босқичида институционал қайта қурилишларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва ўзгарувчан иқтисодий вазиятга осон мослашувчан қудратга эга ўзига хос бир иқтисодий демпфер вазифасини бажаради.

Ишлаб чиқариш-тадбиркорлик агросаноат тузилмалари самарадорлигини ошириш йирик ва ўрта корхоналарнинг саноат-техник ва ташкилий-бошқарув интеграцияларга қизиқишини кучайтириш учун, ишлаб чиқариш кооперативлашуви ҳамда ишлаб чиқариш-техник ва озиқ-овқат маҳсулотлари занжирининг узилганларини ямаш ва янгиларини яратиш учун муҳим захира ҳисобланади. Бу вазифа, шубҳасиз, давлат ва жамоат томонидан ишлаб чиқариш ва инновация соҳаларида кичик ва ўрта корхоналарни қўллашга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш доирасида ёрдам тадбирларини кучайтириш орқали

бажарилади. Бу тадбирларни молиялаштиришнинг бюджет ва нобюджет манбаларидан фойдаланиб, мақсадли минтақавий дастурлар ва инвестиция лойиҳаларини амалда қўллаш асосидагина муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Башоратларга кўра, кичик ва ўрта бизнесга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширилиши, шунингдек, уларнинг иқтисодий ўсиши учун захиралардан янада тўлиқроқ фойдаланиш, ўз кучи билан ривожланиш ва банд бўлиш агросаноат тизимларида кичик корхоналар ҳиссасининг ўсиши бўйича ижобий тузилмавий ўзгаришларга олиб келар экан. Иқтисодиётнинг агросаноат тизими, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа соҳаларида кичик корхоналар улушининг барқарорлашуви ва бир қадар ўсиши эҳтимоли бор.

Бунга боғлиқ равишда, республика ва минтақавий агросаноат сиёсати табақаланган тавсифга эга бўлиши, яъни биринчи навбатда юқори самарадор ва сарфланган харажатларни тез қоплай оладиган инвестиция лойиҳаларини рағбатлантирган ҳолда корхона ва бирлашмалар гуруҳлари учун табақаланган кўринишда қурилиши лозим, бу инвестицияларда давлат ҳам маълум миқдордаги хавфларни бўйнига олган ҳолда хусусий инвесторлар билан бир қаторда ўз улуши билан қатнашади. Бу ҳолатда технологик ва иқтисодий самарани экстенсив кенгайтириш даражаси мезони энг муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3.2.1-расм. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда инновациявий кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни жорий этиш механизм

Агросаноат сиёсатини амалга оширишнинг янги шароитларида агросаноат уюшмалари доирасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим юқори технологик тармоқларини рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар мажмуасини амалга ошириш зарурияти ошади, чунки улар мувофиқ равишда давлат ва хусусий ёрдам олгач, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашлари ва қолган тармоқларни ортларидан эргаштириб кетишлари керак.

Бу жиҳатдан агросаноат ишлаб чиқариши етакчи тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин: ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот турларини тез-тез ўзгартириш, янги турлар пайдо бўлганда фойдали самара бирлигига нисбатан таннархнинг кескин пасайиши, маҳсулот сифати ва

унинг рақобатбардошлигига юқори талабчанлик, банд бўлганлар умумий сонига юқори малака талаб этадиган ақлий меҳнат ишчиларининг солиштирма оғирлигининг катта бўлиши ва бошқалар. Бундан ташқари, ақлий жараён сифатидаги фаолияти шароитларида маҳсулот деганда моддий товар ва хизматларнигина эмас, балки янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий вазифаларни ҳал эта оладиган малака ва билимларни ҳам тушуниш керак.(3.2.1-расм)

Бу жараён қуйидагича бўлиши керак:

- *рақобатчилар олдида узоқ муддатли устунликни таъминлаш учун стратегик бўлиш;
- *ўзгарувчан муҳитга мослашувчан бўлиш;
- *кучли харидорларнинг эҳтиёжларини тушуниш учун улар билан келишиб иш қилиш;
- *бозор муҳити ўзгаришига тез муносабат билдира олиш учун ташкилот ичида келишувчан бўлиш;
- *муҳит ва бозор доимо ўзгариб турар экан, узлуксиз бўлиш.

Тармоқлараро изчил озиқ-овқат ихтисослашуви (якунийдан оралик маҳсулотларгача) асосида қурилган тармоқлараро ишлаб чиқариш уюшмалари {бирлашмалар, корпорациялар) агротизимларда маркетингни амалга киритишнинг нисбатан самарали ташкилий-иқтисодий меъёри бўлиб ҳисобланади. Тармоқлараро ихтисослашув туфайли улар истеъмолнинг у ёки бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ташкилий ёки иқтисодий жиҳатдан бирлаштирувчи яхлит технологик занжир сифатида фаолият кўрсатадилар (масалан, хом ашёни олиш, тайёрлаш ва қайта ишлашдан тортиб, якуний истеъмол доирасида хизмат кўрсатишгача).

Янги бозор шароитларида маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда юқори самарадор рақобатбардош агросаноат ишлаб чиқаришини юрита оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрламасдан туриб қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас. Бунга АСМ, алоҳида минтақа ва корхоналарда аграр соҳанинг аҳволи, агросаноат

бозорларидаги нарх-наволар, тижорат ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги маълумотларни самарали тарзда олиш, узатиш ва тарқатишга имкон берувчи ягона ахборот тизимларининг яратилиши ҳам маълум даражада ёрдам беради.

Корхонанинг тижорат фаолияти хўжаликнинг рақобатбардошлигини ошириш, даромад олиш мақсадидаги ва харид қилиш-сотиш ҳаракатларини амалга ошириш бўйича савдо жараёнлари билан боғлиқ. У ўз ичига талабни, маҳсулотлар савдоси бозорлари, товар етказувчилар ва етказиш манбаларини аниқлаш ва ўрганиш масалалари, етказиб бериш бўйича шартнома ва битимлар тузиш, шартнома мажбуриятларини бажариш устидан назорат қилиш ва ҳисоб олиб бориш, товар ассортиментини шакллантириш ва товар захираларини бошқариш, реклама-ахборот фаолиятларини ҳам қамраб олади.

Аграр секторнинг рақобатбардошлигини оширишнинг яна бир муҳим воситаларидан бири бозор иқтисодиётининг бу соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) фаоллаштиришдан иборат.

Бунга боғлиқ равишда ҳукуматнинг республика ва минтақавий органлари, алоҳида корхоналар олдида маҳаллий табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, нафақат алоҳида бир корхона ёки минтақа доирасида, балки умуман давлат манфаати доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тезлаштириш учун ТИФнинг мос турлари ва шакллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифалар турибди.

АСМ соҳасида ташқи иқтисодий фаолиятларни ривожлантиришда корхоналарнинг минтақавий ва халқаро агросаноат кўргазмаларида қатнашуви, реклама фаолиятини ва қишлоқ меҳнаткашлари ютуқларини фаоллаштириш, хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг яна бир йўли уни сертификатлаш ҳисобланади. Чунки глобаллашув шароитларида у мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаган ҳолда, улар ўртасидаги илмий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни оширишнинг самарали воситаси сифатида иштирок этади. Хорижда сертификатлаш шунчалик кенг ёйилганки, кўпгина ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда маҳсулот сифатини тасдиқловчи

сертификатсиз маҳсулотни мазкур мамлакатлар бозорида сотиб бўлмайди. Шу сабабли кўпгина МДХ давлатлари хорижда тажрибадан ўтиш ва сертификат олиш зарурияти билан боғлиқ равишда зиён кўрмоқдалар.

Шунга боғлиқ ҳолда аграр ислохотлар жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий сертификатлашнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Методологик ва методик низомлар асосида АСМ маҳсулотларининг якуний ва оралиқ турларини сертификатлашни амалга ошириш мажбуриятларининг мувозанатини назарда тутувчи озиқ-овқат маҳсулотлари занжирини мажмуавий сертификатлашни ривожлантириш, тармоқлараро озиқ-овқат мажмуасининг рақобатбардош, камхаражат бошқариш тизимини ташкил қилиш эҳтиёжи туғилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқори сифатга эришиш учун фақат махсус яратилган бўлимларгина ҳаракат қилсалар, бу ҳолда унга эришиб бўлмас экан. Сифат учун интилиш товар етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва савдо хизматининг бутун фаолияти ичига сингиб кетиши керак. Бу истеъмолчи энг сўнгги бўғин ҳисобланган "етиштириш - қайта ишлаш - сотиш - истеъмол" занжирининг ҳар бир алоҳида катнашчисининг кундалик мажбуриятдан иборат бўлган стратегия асосига айланиши керак.

Мазкур занжирнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун инсон омили - занжирнинг ҳар бир катнашчиси (аъзоси)нинг касбий малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, инсон ресурсларини ривожлантириш тизими иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч ҳисобланади.

Ходимларни тайерлашнинг муҳим хусусияти - бу бутун бир занжирни билиш учун алоҳида ишчига дастлабки билимларни (ақлий малака) беришдан иборат.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ошириш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уларга риоя қилиш тармоқ иқтисодиётини оширишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланди. Бунда инсонга ишонч ва уларнинг ижобий сифатлари иқтисодиётни бошқаришнинг асосини ташкил қилиши лозим

Республикамизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси

мамлакатимизда мавжуд саноат хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етарли эмас.

Масалан, пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2010 йилда республикамиз бўйича 23,6 фоизни, 2011 йилда эса 14,5 фоизни ташкил этди, холос. Эксперт баҳоларига кўра, 2011 йилда республикамиз бўйича 10,94 миллион дондан кўпроқ тери хомашёси тайёрланди. Аммо унинг бор йўғи 52,3 фоизи, яъни 5,72 миллион донаси тайёрланди, холос. Чунки терини қайта ишлаш корхоналари томонидан уларни қайта ишлаш учун етарли талаб билдирилмаган.

Тери-чарм саноатини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тери хомашёсига талабнинг ортишига олиб келиши сабабли 2012 йилда 11,66 миллиондона тери хомашёсининг 72,3 фоизини, яъни 8,43 миллион донасини қайта ишланди

Гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси ҳам қониқарли аҳволда эмас. Шу сабабли бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1633-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш орқали саноат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Жумладан, 2011-2015 йиллар давомида мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 132,6 фоизга, мева шарбатлари ишлаб чиқариш 141,9 фоизга, пишлоқ ишлаб чиқариш (бринзани кўшиб ҳисоблаганда) 166,7 фоизга, томат пастаси ишлаб чиқариш эса 116,7 фоизга, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 127,8 фоизга ўсиши прогноз қилинган (3.2.1-жадвал).

Шу даврда мева-сабзавот консервалари экспорти 132,8 фоизга, мева шарбатлари экспорти 129,4 фоизга, томат пастаси экспорти эса 172,4 фоизга ўсиши мўлжалланган қилинган. Бунга эришиш учун 2012-2015 йиллар давомида

озик-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш мақсадларида қиймати 74,18 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилади. Бу лойиҳаларни молиялаштириш учун 36,5 миллион долларга тенг чет-эл инвестициялари жалб этилади.

Шунингдек, 2012-2015 йиллар давомида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда қайта қуроллантириш ҳисобидан мева ва узумни қайта ишлаш бўйича 63100 тонна (2012 йилнинг ўзида 19750 тн.), гўшти қайта ишлаш бўйича 16500 тонна (2012 йилда 3650 тонна), сутни қайта ишлаш бўйича 45700 тонна (2012 йилда 10450 тонна) маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган қувватлар барпо қилинади.

3.2.1-жадвал

Асосий саноат озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг мақсадли прогноз параметрлари

Озиқ-овқат товарларининг номи	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й. минг тонна прогноз	2013 й. прогноз	2014 й. прогноз	2015й. прогноз	2015 й. 2011 й. га нисбатан фоизда
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш							
Мева-забзавот консерваси	миллион шартли банка	460,0	475,0	510,0	560,0	610,0	132,6
Мева шарбати	млн шартли банка	155,0	160,0	175,0	200,0	220,0	141,9
Томат паста	миллион шартли банка	30,0	30,5	31,5	33,0	35,0	116,7
Қуритилган мевалар	минг тонна	123,0	126,0	134,0	143,0	155,0	126,0
Колбаса маҳсулотлари	минг тонна	25,0	26,0	28,0	30,0	33,0	132,0
Гўшт консерваси	миллион шартли банка	2,2	2,5	3,0	3,6	4,4	2 марта
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонна	345,0	355,0	390,0	430,0	490,0	142,0
Пишлоқ, бринза билан бирга	минг тонна	3,0	3,3	3,7	4,2	5,0	166,7
Сариғ ёғ	минг тонна	4,2	4,5	5,0	5,6	6,5	154,8
Ўсимлик мойи	минг тонна	255,0	262,0	267,2	272,0	274,4	107,6
ш.ж. ноанъанавий экинлар мойи	минг тонна	17,0	19,0	21,0	25,0	30,0	176,5
Маргарин маҳсулотлари	минг тонна	18,0	19,0	20,0	21,0	23,0	127,8
Шакар	минг тонна	300,0	310,0	320,0	345,0	380,0	126,7
Кондитер маҳсулотлари	минг тонна	40,0	42,0	44,0	49,0	55,0	137,5
Пиво	млн дал.	27,0	28,0	29,0	30,0	32,0	118,5
Алкоголь ичимликлар	млн дал.	45,0	47,0	49,0	52,0	55,0	122,2

Тайёр маҳсулот экспорти							
Мева-сабзавот консерваси	минг тонна	6,7	7,2	7,8	8,3	8,9	132,8
Мева шарбати	минг тонна	25,5	26,5	28,1	31,0	33,0	129,4
Томат паста	минг тонна	4,3	4,8	5,5	6,4	7,4	172,1
Қуритилган мевалар	минг тонна	57,0	58,0	61,5	64,0	67,0	117,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633- сонли қарори.

Юртимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарига, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ тарзда бир қатор имтиёзлар (масалан, фойда солиғининг пасайтирилган имтиёзли ставкаларини қўллаш, божхона божлари бўйича имтиёзлар) белгилаб берилан. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доираси кенгайтирилди.

Аммо, жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизнинг маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурдир. Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш каби чора-тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Пойтахтимиз ва вилоят марказларида ҳар йили ўтказиб келинаётган саноат ярмаркалари, мамлакатимизнинг халқаро савдо-саноат ярмаркаларидаги иштироки маҳсулот экспорт қилувчи корхоналаримизга ўз маҳсулотларини реклама қилиш, харидор ва шериклар излаб топиш имкониятини кенгайтирмоқда, реклама харажатларини тежаш имконини бермоқда.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, экспорт ярмаркаларини ўтказишни

кенгайтириш, йирик экспортчи корхоналаримизни нуфузли халқаро ярмаркаларда иштирок этишга жалб этиш лозимдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш каби чора-тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Пойтахтимиз ва вилоят марказларида ҳар йили ўтказиб келинаётган саноат ярмаркалари, мамлакатимизнинг халқаро савдо-саноат ярмаркаларидаги иштироки маҳсулот экспорт қилувчи корхоналаримизга ўз маҳсулотларини реклама қилиш, харидор ва шериклар излаб топиш имкониятини кенгайтирмоқда, реклама харажатларини тежаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Аграр тармоқни барқарор ривожлантириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари бўйича қўйдаги таклиф

ва тасиялар берамиз:

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш. Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

2. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш.

3. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш .

4. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш. Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

10. Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг камровли ишлар олиб бориш.

11. Жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизнинг маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. 12. Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш лозимдир.

13.Экспорт ярмаркаларини ўтказишни кенгайтириш, йирик экспортчи корхоналаримизни нуфузли халқаро ярмаркаларда иштирок этишга жалб этиш лозимдир.

14.Экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш.

15.Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш..

16.Янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш.

17.Экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалалари билан жиддий шуғулланишни талаб этади.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга

мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т. Иқтисодиёт. - 2012. 3.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т. “Ўзбекистон”, 2001 йил.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси

5..Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

6..Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т. Ўзбекистон 2000 йил.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил.

8.И.А.Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. Ўзбекистон 2005 йил.

9.Каримов И.А. “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори. 2012 й. 26 март.

10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузаси.

11.Каримов И.А. 2008 йил 9 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида Президентимиз сўзлаган нутқида мамлакатимизда 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, истиқболлари ва муаммолари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. 2008 йил. 9-феврал.

12.И.А.Каримовнинг “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли” 2003 йил.

13.Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбаеваларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”Тошкент-2012 йил.

14.А.бдуғаниев, А.А.Абдуғиниев, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Т. “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси”, 2004 й.

15.А.Саматов, Ж.Ёдгоров, И.Рустамоваларнинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Тошкент-2005 йил.

16.Ф.Жўраев.“Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” Тошкент-2004 йил.

17.Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари:назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси:Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006,14-б.

